*Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига*

# КЎТАРИНКИ РУҲ, АЪЛО КАЙФИЯТ

**Республикамизнинг барча меҳнат коллективларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига қизғин тайёргарлик кўрилаяпти. Коммунист ва комсомоллар, халқ депутатлари зўр омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишламоқдалар. Социалистик мусобақанинг илҳомбахш кучи шарофати туфайли янги-янги ватанпарварлик ташаббуслари туғилаяпти.**

**Редакцияга бош мухбирларимиздан келаётган кўплаб хатларда коллективлардаги жўшқин меҳнат, хайрли ҳаракатлар хусусида мароқ билан ҳикоя қилинади.**

«Бобохон Ўринбоев йигирма йилдан буён Урганчдаги 2534-автоколоннада самарали ишлаб келмоқда. У халқ хўжалиги юкларини манзилга вақтида етказиш, техниканинг умрини узайтириш, иқтисод ва тежамкорликда қувончли натижаларни қўлга киритмоқда. Ташаббускор шофёрнинг кўп йиллик ҳалол меҳнати партия ва давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Кўксини Октябрь революцияси ордени безаб турибди. Ҳамкасблари унинг бир фазилатига қойил қолишади: эришилган натижалар билан асло кифояланмайди, илғорлар тажрибасини қунт билан ўрганади. Шу боисдан ойлик планларини ҳамиша 130—135 процент адо этмоқда. Яқинда Бобохон Ўринбоев Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига зиммасига оширилган мажбурият қабул қилди. Нияти конференция очиладиган кунгача ўн иккинчи беш йилликнинг уч йили планини ортиғи билан бажаришдир. Айни кунларда сўзининг устидан чиқиш учун дақиқалардан унумли фойдаланаяпти. Шунингдек Қ. Муроджонов, Қ. Рўзметов, Э. Мусомуродов каби шогирдларига касб сирларини ўргатмоқда».

Бу сатрлар жамоатчи мухбир В. Молотковнинг «Давр талаби» сарлавҳали мақоласидан. Муаллиф автоколонна партия ташкилоти меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, коммунистларнинг авангардлигини таъминлашга қаратилган ибратли тадбирларни кўраётгани ҳақида ҳам алоҳида тўхталган.

Беш йиллик зарбдорлари, ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган табаррук кишилар, уларнинг ажойиб фазилатлари ҳақида Фарғонадан У. Қурбонов, К. Тўйчибоев, В. Олимов, Тошкентдан М. Қаюмов, П. Эргашев, Жиззахдан С. Қорабоев, Сурхондарёдан К Аҳроров, Бухородан С. Қодиров, Й. Йўлдошев, Навоийдан М. Тўқпанов, А. Раҳмонов, Андижондан Қ. Тошболтаев, Қ. Тўхтасинов, Э. Охунжонов С. Муҳаммаджонов, Ш. Келдиев ўртоқлар мароқ билан ҳикоя қилишган. Журналист А. Қорабоев эса Наманган районидаги «Ленинград» колхози партия комитети коммунист ва комсомолларнинг қайта қуришдаги етакчилик ролини кучайтириш юзасидан қандай тадбирларни амалга ошираётганлиги хусусида ёзади.

«Кейинги йилларда хўжаликда аксарият тармоқлар жадал ривожланиб, экономика мустаҳкамланди, — деб таъкидлайди муаллиф «Комитет ҳисоб берди» сарлавҳали мақоласида. — Оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишлар янги поғонага кўтарилмоқда. Тадбирларнинг таъсирчанлиги туфайли интизом мустаҳкамланиб, қишки дала ишлари уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Хўжаликда район партия комитетининг аъзоси Х. Бувамирзаев, халқ депутатлари Наманган область Совети депутати Б. Раҳматов, тажрибакорлар Ю. Усмонов, Х. Абдураҳмонов, Н. Исматов каби пахта усталари алоҳида эъзозланадилар. Улар ҳар қандай шароитда ҳам мўл, арзон ва сифатли пахта ҳосили олишга эришишмоқда. Деҳқонлар Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб улуш қўшиш учун мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишаяпти. Шундай бўлса-да, хўжаликда қатор камчиликлар кўзга ташланади. Жумладан мавжуд техникадан унумли фойдаланилмаяпти. Иқтисод ва тежамкорлик қатъий назоратга олинмаган. Айрим бригадаларда қайта қуриш суст бормоқда. Улардан 13 таси ўтган йили давлатга пахта топшириш планини бажармади.

Колхоз правлениеси, партия комитети сабоқлардан хулоса чиқариб, қуйи бўғинларда ижро интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча тадбирларни амалга ошираяптилар.

Самарқандлик жамоатчи мухбир Ваҳоб Мамадалиевнинг хабар беришича, Иштихон районидаги Фрунзе номли колхоз заршунослари 1988 йил ҳосилига пухта замин яратмоқдалар. Далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш, техникани ремонт қилиш ишлари намунали олиб борилмоқда. Қадоқ қўлли деҳқонлар Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига жорий йилда ҳосилдорликни гектарига 30 центнерга етказиб, давлатга камида 2.510 тонна оқ олтин топширишга аҳд қилдилар. Шу кунгача фермалар ва хонадонлардан минг тоннадан ортиқ ер малҳами тўпланди. Қишки юмушларни сифатли амалга оширишда С. Умиров, И. Абдусатторов, З. Йўлдошев каби механизаторлар барчага намуна бўлмоқдалар.

Қайта қуриш, жадаллаштириш программаси изчил амалга оширилаётган ҳозирги даврда ҳар бир коммунист партия сўзини оммага етказиши, илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириши, жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилиши лозим. Шу жиҳатдан қараганда Олтинкўл районидаги 46-ўрта мактаб ўқитувчиси М. Охунованинг «Пропагандист» сарлавҳали лавҳаси эътиборга лойиқ. У «Октябрь» колхозининг сўз устаси Фозилжон Ҳайитов фаолиятини жонли мисоллар билан очиб берган. Таъкидлашича, пропагандист яқинда «Сиз қайта қуришни қандай тушунасиз?» мавзуида қизиқарли суҳбат ўтказди. Хўжалик ва колхозчилар ҳаётидан олинган мисоллар, факт-рақамлар орқали қувончли ўзгаришларни кенг шарҳлади. Турғунлик йилларидаги яроқсиз иш услуби, унинг оқибатларига алоҳида тўхталиб, ошкоралик ва демократияни чуқур илдиз оттиришга даъват этди.

Хатлардан шу нарса маълум бўлдики, аксарият бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқаришга раҳбарликни кучайтириб, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини кенг жорий қилишда тадбиркор, ташаббускор коммунистларга суянишмоқда. Аммо ҳамма ерда ҳам иш кўнгилдагидек кетаётгани йўқ. Баъзи партия ташкилотларининг меҳнат коллективлари ҳаётига, сиёсий-ташкилий, маданий-маиший ишларни қайта қуришга таъсири самарали бўлмаётир. Сурхондарё область «Ленин байроғи» газетасининг мухбири Ж. Эргашеванинг Жарқўрғон районидаги «Украина» совхозидан йўллаган корреспонденцияси фикримизнинг далили бўла олади. Бу ерда кейинги йилларда хотиржамлик кайфияти ҳукм сурмоқда. Ғаллачилик ва чорвачилик ривожланмаяпти. Ишнинг муваффақиятини идеологик жиҳатдан таъминлаш, ҳал қилувчи бўғинларда партиявий таъсирни кучайтиришга етарли эътибор берилмаяпти. 500 нафардан ортиқ ишчиси бўлган совхозда бор-йўғи 14 коммунист фаолият кўрсатмоқда. Йиғилишларда камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида кўп гапирилаяпти-ю аммо амалий ишдан дарак йўқ. Чорва озуқаси базасини мустаҳкамлаш, сигирлар сонини ошириш ҳақида ҳам жиддий бош қотирилмаяпти. Совхоз дирекцияси, партия комитети бўлим ва бригадаларда соғлом, ижодий муҳит яратиш, инсон омилини активлаштиришга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширишлари даркор. Шундагина турғунликка батамом барҳам бериш мумкин.

Республика партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларида пленумлар ва умумий йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда қайта қуришнинг боришига раҳбарликни янада яхшилаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Коммунистлар партия илгари сураётган долзарб вазифаларни муваффақиятли бажаришга қаратилган қимматли таклифларни илгари сурдилар. Эндиги вазифа уларни муваффақиятли бажаришдан иборат.

Республика агросаноат комплекси меҳнат аҳли жорий йилда енг шимариб ишга киришди. Бу жўшқин ижодий маром ажойиб ватанпарварлик ташаббусларида ўз ифодасини топаяпти. Яратувчилик жабҳасининг олдинги сафларида бораётган, фахримиз, ғуруримиз — пахтакору чорвадор, боғбону соҳибкорлар ҳақида Қашқадарё, Хоразм, Сирдарё, Фарғона областларидаги қаламкашлардан С. Турғунов, О. Саидов, Ш. Қўчқоров, А. Абдиев, Ю. Шойибов, М. Бобожонов, Т. Сулаймонов, В. Носиров, Н. Ражабов, Ҳ. Аъзамов, А. Ҳошимов, Б. Давлатназаров, Е. Ҳожиев, О. Жуманазаров, Н. Иноқов, Ч. Ҳамроев, Ш. Ашурова ва бошқалар турли жанрларда материаллар йўллашган. Биз уларга самимий миннатдорчилик билдирамиз ва долзарб мавзулардаги янги хатларини кутамиз.



**Галина Криволапова — Коммунистик районидаги Свердлов номли колхознинг илғор чорвадорларидан. У моллар маҳсулдорлигини ошириш ва сут булоғини топширишда ҳамкасбларига ўрнак бўлаяпти. Оқ чашма соҳибаси Галина Криволапова айни кунларда ҳар сигирдан 12—13 литрдан серқаймоқ сут соғиб олмоқда.**

**СУРАТДА: Галина Криволапова иш устида.**

А. ЗУФАРОВ фотоси.

Мусобақа кундалиги

## ТЎҚИМАЧИЛАР ВАХТАДА

БУХОРО. Бухоро тўқимачилик комбинати биринчи йигирув-тўқув фабрикасининг мастер ёрдамчиси коммунист Нутфулло Нарзуллаев ўз ўртоқларини Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига меҳнат вахтасини бошлашга даъват этди. Унинг ўзи конференция очилишигача шахсий беш йилликни бажариш мажбуриятини олди.

Корхонада Нутфулло Нарзуллаевни яхши билишади. У биринчилардан бўлиб нормадаги 36 та ўрнига 48 та тўқув дастгоҳида ишлашга ўтган. Бунда унга катта тажриба, маҳорат, ўз ишига ҳалол муносабатда бўлаётганлиги ёрдам бермоқда. Ўз вақтида сифатли ремонт қилиб турганлиги сабабли у бошқараётган дастгоҳлар тинимсиз ишламоқда. Натижада илғор ишчи меҳнат унумдорлигини анча оширишга муваффақ бўлди.

Нутфулло маҳорати кундан-кунга ошиб бораётган тўқимачиларга ўз тажрибасини ўргатмоқда. Чунончи, Муяссар Шарипова, Жумагул Турдиева, Жумагул Қурбонова, бошқа ходимлар эндиликда узилган ипни улаш учун 14 минут ўрнига 6—7 минут сарфламоқдалар. Н. Нарзуллаев бошқараётган дастгоҳлар беш йилликнинг охирги йили ҳисобига ишламоқда.

Бу коммунистнинг ташаббусини мастер ёрдамчилари Фахриддин Султонов ва Ҳасан Очилов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати тўқувчи Шарофат Тошева, йигирувчи Фароғат Сулаймонова, ишчилардан Лариса Мальцева, яна 75 нафар ходим қўллаб-қувватлади.

* * *

НАМАНГАН. Наманган тўқимачилари Ўрта Осиёда биринчи бўлиб янги СТБ-160 типидаги тўқув дастгоҳларини ишлаб чиқаришда ўзлаштира бошладилар.

Абрли газламалар шойи бирлашмасида Чебоксари машинасозлик заводидан келтирилган шундай агрегатлардан 13 таси ишлатилмоқда. Шойи тўқиш цехида бундай ускуна илк бор қўлланилмоқда.

Янги дастгоҳларга узунлиги жиҳатидан аввалги стандартларга нисбатан бир ярим баравар узун бўлган асос ўрнатилади. Шу сабабли ускунанинг тўхтаб туриш вақти кескин қисқаради, тўқимачиларнинг меҳнат унумдорлиги ортади. Ғалтаклардан найчаларга ипни ўраш сингари оғир меҳнат жараёнидан воз кечилганлиги сабабли қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди. Ходимлар янги ускуна унчалик кўп шовқин чиқармай ишлаётганидан ҳам хурсанд.

Янги дастгоҳларда бекасам ва хонатлас тўқиб чиқарила бошланди. Бу газламларни мутахассислар юқори баҳолашди.

* * *

МАРҒИЛОН. Марғилондаги «Атлас» абрли газламалар бирлашмасининг тўқувчиси Кимсанхон Аҳмедова беш йиллик бошидан бери юз минг метр ипак газлама тўқиб чиқарди. Бу йиллик нормадан 4,5 баравар кўпдир. Моҳир ишчи бундай меҳнат муваффақиятига юксак маҳоратни эгаллаганлиги, иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан тежаб-тергаб фойдаланганлиги, нормадан ташқари кўплаб дастгоҳларни бошқаришга ўтганлиги сабабли эришди. Кимсанхон тўртта ўрнига саккизта дастгоҳда самарали ишламоқда.

К. Аҳмедова тўқимачилик цехига илк бор 20 йил олдин келган эди. Ўшандан бери тўқимачилик маҳорати сирларини мукаммал билиб олди, энди тажрибасини ёшларга ўргатмоқда. Шогирдлари ўз мураббийлари билан ёнма-ён туриб, кишининг ҳавасини келтирадиган даражада эпчил ҳаракат қиладилар. Уларнинг бири Гулчеҳра Турғунова Кимсанхон изидан бориб, ҳозирнинг ўзидаёқ тўрт йиллик топшириқни бажариб қўйди. Ёш коммунист К. Аҳмедова Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очиладиган кунгача шахсий беш йиллик топшириғини бажаришга сўз берди.

## ХУШХАБАРЛАР

Балиқлар учун донадор омихта ем тайёрловчи Чиноз заводи яна маҳсулот бера бошлади. Бу ерда Япониянинг «Ничиро геге» фирмаси юборган машина-ускуналар профилактика ва жорий ремонти ниҳоясига етказилди. Бу ишда совет ишчилари завод-автоматга малакали хизмат қилганликларини таъкидлаган ана шу фирма мутахассислари қатнашдилар. Лойиҳада белгиланганидек, йилига 37 минг тонна 12 хил омухта ем ишлаб чиқариш қувватига эришганидан сўнг корхона Ўзбекистон балиқ хўжаликларини бу маҳсулот билан барқарор таъминлаб тура олади. Маҳсулотнинг қарийб ярми республикадан ташқаридаги хўжаликларга етказиб берилади.

* * *

Жиззах районидаги Ленин номли совхозда тупроқ унумдорлигини ошириш масаласига ўтган йиллардагидан жиддийроқ ёндашдлар. Деҳқонларнинг ўз меҳнати натижалари учун масъулияти ошди. Далаларга графикдан анча ўзиб маҳаллий ўғит олиб чиқилмоқда. Ҳар гектар ерга 30 тоннадан ортиқ ўғит солинади. Бу эса одатдагидан кўпдир. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, айнан шунча миқдорда ўғит солиниши пахта, озуқабоп ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини анча ошириш кафолатини беради.

*МАТБУОТГА ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИ*

# ГАЗЕТАГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Гагарин райони тузилган 1968 йили «Меҳнат зафари» газета редакцияси коллективи шароит тақозоси билан хароба бинода иш бошлашга мажбур бўлганди. Мана, орадан қарийб 20 йил ўтди. Шу давр ичида район социал-иқтисодий, маданий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Чўл бағрида ажойиб пахтазорлар, боғ-роғлар, замонавий турар-жой бинолари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари бунёд этилди. Аммо газета редакциясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, журналистлар, босмахона ишчиларига қулай шароит яратиш ҳеч кимнинг эсига келмади. Раҳбарлар ҳар йили қоп-қоп ваъдалар бериб, уларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлғазиб келдилар.

Редакция район марказидан 20 километр узоқда жойлашган. Ижод қилиш учун мутлақо имконият йўқ. Хоналар тор, зах, қоронғу. Иситиш тармоқлари, телефон ишламайди, стол-стуллар сондан чиққан. Редакция учун ажратилган «УАЗ» машинаси бир кун йўлда, уч кун ремонтда. «Меҳнат зафари»нинг ҳар бир сони машаққат билан тайёрланаяпти. Журналистлар ҳатто оддий бир рақамни аниқлаш учун 30—35 километр йўл босиб, хўжаликларга боришга мажбур бўлишаяпти. Транспорт хизмати нобоплигидан улар кўча-куйда сарғайиб, йўловчи машиналарда иш жойларига етиб келишади. Халқ депутатлари район Совети ижроия комитети аҳволни кўра-била туриб, 19 йил мобайнида редакция ходимларига биронта енгил машина, турар-жой, қурилиш материали ажратмади. Район партия комитети эса камчиликларни рўкач қилишдан нарига ўтмаяпти.

Бир куни область партия комитети матбуот секторининг инструктори И. Қурбонов (ҳозир Тошкент Олий партия мактабининг тингловчиси) редакция иши билан танишиш учун келди. Журналистларнинг ундан умиди катта эди. Улар барча дардларини тўкиб солдилар. Афсуски, обком вакили заҳматкашларнинг дил сўзларига эътибор бермади. Фикри-ёди камчиликларни топиб қоғозга тушириш бўлди. Сўнг вақт зиқлигини баҳона қилиб жўнаб кетди.

Кўп ўтмай райкомга область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимидан хат келди. Унда асосан Гагарин район партия комитетининг ўз матбуот органига раҳбарлиги соҳасидаги жиддий камчиликлар бандмабанд баён этилганди. Жумладан унда шундай дейилган: «Сўнгги йилларда райком газетанинг бирон танқидий чиқишини муҳокама этиб маъқулламади. Секретарлар, бўлим мудирлари ўз мақолалари билан қатнашишни эп кўришмайди. Улар ижодий коллектив йиғилишларида бирон марта иштирок этишмаган. Иш планларини тасдиқлаш, босмахона фаолиятини изга солиш, газетачиларнинг касб маҳоратини оширишга ҳафсаласизлик билан ёндашилмоқда. Танқидий мақолаларнинг аксариятига жавоб олинмаяпти. «Меҳнат зафари»нинг айрим сонлари ўқувчиларга беш-етти кун кечикиб бормоқда, тиражи йил сайин камаяяпти».

Ўшанда ҳамон эскича услубда иш юритаётган райкомнинг бюро аъзолари, хусусан идеология масалалари билан шуғулланувчи секретари Ф. Ашурова ўта нотўғри йўл тутди. Текширув якунларини редакция коллективи ўртасида кенг муҳокама этиб, камчиликларни тугатишга қаратилган аниқ тадбирлар белгилаш ўрнига сувдан қуруқ чиқишга уринганича танқид тиғини газета редактори Ж. Ваҳобовга қаратди.

— Ишингиз чатоқ, — деди уни ҳузурига чақиртириб, — сиз ҳақингизда жиддий гаплар бор. Маслаҳатим: ақл билан иш юритинг. Мушкул аҳволдан қутулишингизга ўзим ёрдамлашаман.

— Нима қилишим керак?

— Ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзинг.

— Нега, қайси айбим учун?

— Ўзингизни гулликка солманг, Ваҳобов, — райком секретари янада жиддийлашди. — Ишни барбод этдингиз, газета материалларининг савияси паст.

— Ахир ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг, аҳвол ўта ночор. Ҳалиям йигитларга раҳмат, фақат севимли газетага муҳаббат туфайлигина тишни-тишга қўйиб ишлашаяпти.

— Баҳонани қўйинг, обком хатида маънавий қиёфангиз ҳақида алоҳида тўхтанилган.

— Ундай бўлса масалани очиқ партия йиғилишида кўндаланг қўйинг. Коммунистлар, коллектив қандай қарорга келишса мен рози.

— Ишни чувалаштирманг, сиз айтгандек қилинса партиядан ўчасиз, билдингизми, партиядан!

Жаббор Ваҳобов ўзини йўқотиб қўйди. Аъзойи баданини совуқ тер қоплади. Охири иродани қўлга олиб, обком йўллаган хат мазмуни билан таништиришни талаб қилди. Лекин олтинчи кун деганда бунга эришди. Уни ўқиди-ю райком секретарининг унинг маънавий қиёфаси ҳақидаги гаплари уйдирма эканлигини тушунди.

Фануза Очиловна ҳам бўш келмасди. Редакторни кабинетига кетма-кет чақиртириб дакки берар, гап орасида қайириб ташлар, обрў борида ариза ёзишга ундарди. Охир-оқибат кекса журналистнинг асаби чидамади: қўлига қоғоз ва қалам олди...

У қишлоқ йўлидан одимлаб борар экан, ич-ичидан хуруж қилаётган дардини аччиқ ютиниш билан қайтаришга уринди, бўлмади: кўзларида ёш ҳалқаланди.

Азиз газетхон, биз Ж. Ваҳобовни сутдек оқ, ўз ўрнини топган редактор эди, деб таърифламоқчи эмасмиз. У 19 йил газетага редакторлик қилди. Ажойиб очерк ва фельетонлари, публицистик мақолалари билан кўпчиликка танилди. Кўнгли очиқ, одми, меҳнаткаш инсон. Тўғри, бундан тўрт-беш йил бурун спиртли ичимликлардан қайтмайдиган бўлиб қолди. Аммо коллектив ёрдамида хатосини тушуниб, ўзига тегишли хулоса чиқарди. Баҳоли қудрат ишини давом эттирди. Гап шундаки, райком секретари Ф. Ашурова фақат ўз тинчини ўйлади. Коммунист-раҳбар тақдирини ҳал этишда кўпчилик фикри билан ҳисоблашмади, бошланғич партия ташкилотини четлаб ўтди.

Шундан кейин газета уч ой ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ажабланарлиси шуки, бу борада район партия комитети собиқ редактор Ж. Ваҳобовни маданият бўлими мудирлигига тавсия этди. Редакцияда аҳвол ғоят мушкул эди. Асосан уч киши «маҳсулот» берарди. Редактор ўринбосари А. Абдурасулов йиғилишлардан бўшамайди, бунинг устига у «Партия XXIV съезди» совхозига вакил этиб тайинланган. Шундай бўлса-да, редактор ўринбосари, масъул секретарь Э. Эшонқулов, қишлоқ хўжалиги бўлими мудири А. Йўлдошев, мухбир К. Баротов икки-уч киши ўрнига ишлаб, ярим кечагача тиним билишмади.

1987 йил октябрь ойи охирида яна кутилмаган воқеа рўй берди. Райком секретари Ф. Ашурова, область нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси бошқармасининг бошлиғи Э. Тангиров янги редакторни таништириш учун келишгани коллективнинг қатъий норозилигига сабаб бўлди. Бу қанақаси, райкомдагилар бирон марта «Ҳолингиз қалай?» деб сўрашмаса, редакция ҳаётига оид муҳим масалаларни ҳал этишда ҳатто партия ташкилоти секретарининг фикрини инобатга олишмаса. Қолаверса, редакторликка номзод — Даврон Ғуломовни яхши танишади.

Масъул котиб Эгамберди Эшонқулов сўзидан:

— Ўртоқ Ғуломовнинг касби ўқитувчи. У билан Термиз район «Ленинчи» газетасида ишладик. Аммо ҳамкасбим ўз вазифасини эплолмай бошқа соҳага ўтишга мажбур бўлди. Сўнгги йилларда область китобсеварлар жамияти правлениесининг масъул котиби вазифасида ишлади. Мана ўн беш йил бурун муқаддас касбдан четлашиб кетган киши кимларнингдир ҳомийлигида редакторликка тавсия этилаяпти. Ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишлик қачон тугаркин?!

Коллектив аъзолари сайлов ўтказишни таклиф этишганда Фануза Ашурованинг қатъий оҳангдаги товуши янгради:

— Хомхаёл бўлманг, ичингизда пичоққа илинадиганингиз йўқ. Тинчгина ишлаб юрганингизга шукур қилинг. Ғуломов муносиб номзод.

— Журналист ҳеч қачон мансаб талашмайди, — дейилади «Меҳнат зафари»нинг тўққиз ходими имзоси билан «Қишлоқ ҳақиқати»га йўлланган мактубда. — Тўғри сўз, ҳар бир яхши мақола, севимли газетасининг қўлма-қўл бўлиши унинг учун олий мукофот! Собиқ редакторимизга ачинамиз. Ахир бутун умрини матбуотга бағишлаган киши тақдирига партиявий нуқтаи назардан ёндашилмади. Биз газета, газетачи машаққатини яхши биладиган, қалами ўткир, ташкилотчи киши муҳаррир этиб тайинланишини талаб қилдик. Аммо райком секретари Ф. Ашурованинг қўпол муомаласи, дўқ-пўписаси қалбимизни муз қилиб юборди. Қадрингга ачинасан киши. Шундай шароитда ишлаб бўладими?

Бир нарса бизни ғоят таъсирлантирди. Фануза Очиловна билан суҳбат жараёнида у «Меҳнат зафари» саҳифаларида чўлқуварлар ҳаёти, қайта қуриш масалалари қандай ёритилаётганлигидан тамоман бехабар эканлиги маълум бўлди.

— Мен рус тили мактабини битирганман, ўзбекча ўқолмайман, — деди хижолатбозликдан ўзини қутқаришга уриниб.

Улуғ тилни эгаллаш катта бахт. Аммо киши она тилини унутмаслиги керак! Қолаверса, райком секретари ўз газетаси ҳақида лоақал умумий тасаввурга эга бўлмай туриб, унга қандай раҳбарлик қилиши мумкин?!

Худди мана шундай муносабат қатор хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига ҳам кўчган. Чунончи, «Советобод» совхозининг директори Й. Шойматов, район ички ишлар бўлимининг бошлиғи Х. Эргашев, «Комсомолобод» совхози партия комитети секретари Й. Турдиев ва бошқалар матбуот сигналларига ҳурматсизларча муносабатда бўлишаяпти. Танқидий чиқишларга олинган баъзи жавоблар номигагина, саводсизларча ёзилган. Улардан бирини айнан келтирамиз:

**«Меҳнат зафари» газетаси 1987 йил 22 август сонида «Тушовланган тулпорлар» САРЛАВҲАМ танқидий МАКОЛАДАН СУНГ, текшириш натижаси бўйича ЖАВОБ ХАТ.**

**«Меҳнат зафари» газетаси редакциясидан 1987 йил 25 августда юборилган махсус хатдан СУНГ район агросаноат бирлашмаси инженер техник мутахассислари, район хўжаликларидаги аҳволни текшириб, тегишли хулосалар ЧИҚАРИ.**

**«Навбаҳор» совхозида 82 та пахта териш машинасидан 66 таси ремонтдан ЧИКАРИЛГАН, бу 80,4-ни ташкил этади. 16 та, кўрак чувиш машинасидан 8 таси, 10 та КУРАК териш машинасидан 4-СИ ремонт КИЛИНМАГАН.**

**«ЯНГИАБОД» совхозида ҳам техника ремонти ва тайёргарлиги шундай аҳволда. Район агросаноат бирлашмаси президиуми 1987 йил 25 август № 11 57 қарорига биноан «НОВБАҲОР» совхози бош ИНЖИНЕРИ Абдушунуров Муҳаммадига ХАЙФСОН (?) «ЯНГИАБОД» совхози бош ИНЖИНЕРИ Норқулов ПАРДАГА ОГАҲЛАНТИРИЛДИ.**

**ЮКОРИДАГИ камчиликлар 15 СЕНТЯБРЬГАЧА 100 фоиз бартараф ЭТИЛДИ.**

**Район агросаноат бирлашмаси (?) раиси: МАМАТМИРЗАЕВ Ш.»**

Саводсизларча ёзилган жавоб хатига РАПОнинг қайсидир мутахассиси «верно» деб имзо чеккан. Совуққонлик, масъулиятсизлик шунчалик бўладими?

Газета тахламларини варақлаганимизда долзарб мавзуларда ёзилган кўпгина мақолаларга кўзимиз тушди. Қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири А. Йўлдошевнинг «Даромаднинг буромади», «Бемаҳал бўрон ёхуд табиатга туҳмат», масъул котиб Э. Эшонқуловнинг 1987 йил оқ олтин мавсуми қаҳрамонларига бағишланган туркум мақолалари тилининг ширинлиги, мавзуга чуқур кириб борилганлиги билан диққатга сазовор. Газета мухбири Қ. Баротовнинг «Медицинамиз муаммолари» рубрикаси остида эълон қилинган материали қизғин баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Редакция ана шу дадил чиқиш юзасидан хатлар олди. Уларнинг бари «Акс садо» рубрикасида эълон қилинди.

Бироқ, редакция журналистлари фаолиятида қатор камчиликлар мавжуд. Улар чўлни комплекс ўзлаштириш, хўжаликлар экономикасини юксалтириш, савдо, маиший хизмат соҳасидаги долзарб муаммоларни кўпинча четлаб ўтмоқдалар. Беш йиллик зарбдорларига бағишланган лавҳа, очерк, ҳикоялар деярли учрамайди. Майда-чуйда, бир қолипдаги мавзуларга бағишланган, тили қашшоқ мақолалар камаймаяпти. Таъсирчан танқид учун курашда қатъият етишмаяпти. Баъзи хўжаликларнинг раҳбарлари йиллар мобайнида чорвачиликка панжа орасидан қарадилар. Совуққонлик, ўзибўларчилик оқибатида аксарият фермалардаги қорамоллар мажбурий равишда гўштга топшириб юборилди. Район экономикасига жиддий зиён етказилди. Журналистлар бундай камчиликларни кўра туриб бонг уришмади. Ёрқин, жанговар мақолалар ёзиш учун дадил ҳаракат қилиш керак.

Газета редакциясида носоғлом муҳит юзага келди. Ходимлар билан редактор ўртасида сирли девор бор. Янги муҳаррир шахсий ибрат, омилкорлик, ташкилотчилик, айни пайтда талабчанлик кўрсата олмаяпти. Айрим сонлар жиддий хатолар билан чиқмоқда. Босмахонадаги аҳвол бундан ҳам ташвишли. Малакали кадрлар, керакли жиҳозлар у ёқда турсин, оддий ҳарфлар етишмайди. Алмисоқдан қолган босма ва линотип машиналарининг ишлашидан бузилиши кўп. Баъзида электр токи кунига кетма-кет ўчади. Оқибатда газета ўз вақтида чиқмаяпти.

Район партия комитети газета атрофида жиддий гап-сўзлар бўлаётганлиги, юқори ташкилотлар томонидан танқид қилинаётганлигига қарамай, матбуот органига муносабатни ўзгартирмаяпти. Натижада «Меҳнат зафари»нинг омма ўртасидаги обрўси пасайиб бормоқда. Унинг тиражи бир йилда кескин камайганлиги ғоят ташвишли. Хўш, сансалорлик, ваъдабозлик тугатилиб, сўздан амалий ишга қачон ўтилади?

**М. ҚАЮМОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

## АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### ИЛҒОРЛАР ТАШАББУСИ

**«Амубухараканалстрой» бошқармасининг 3-қурилиш-монтаж бошқармаси меҳнаткашларидан Геннадий Зубов, Носир Боймуродов, Ҳасан Темиров ҳамда Азим Акромовлар ҳар сменада бир ярим нормадан иш бажариш ташаббуси билан чиқдилар. Улар қўриқ ерларни ўзлаштириш ва суғориш тармоқлари қуриш билан шуғулланмоқдалар.**

**Бу илғор ирригаторлар юксак кўрсаткичларга қай йўл билан эришаяптилар? Масалан, Г. Зубовни олиб кўрайлик. У кўп йиллик стажга эга бўлган экскаваторчи, танилган мастер, Қизилқум чўлида жуда катта меҳнат тажрибаси тўплаган кишидир. У ўз машинасини доимо жуда батартиб сақлайди, унинг қандай тузилганлигини аъло даражада билади, деярли барча носозликларни ўзи дарҳол бартараф эта олади. Геннадий ўз ўртоқлари билан бирга янги объектга ўтаётганида тупроқ ишларини яхшироқ олиб бориш мақсадида аввало унинг структурасини ўрганади. Буларнинг ҳаммаси иш вақтини анча тежаш имконини беради.**

**Ташаббускорлар Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини уч йиллик программани бажариш билан кутиб олишга аҳд қилдилар. Қурилиш-монтаж бошқармасининг кўпчилик ишчилари ана шу илғорлар ташаббусини қўллаб-қувватладилар.**

### ЯНГИ УЙЛАР КОНВЕЙЕРИ

**Тошкент районидаги Собир Раҳимов номли колхознинг 15 оиласи уй тўйларини нишонлади. 1-«Ташкентоблагропромстрой»га қарашли 3-бирлашма районлараро механизациялашган кўчма колоннасининг комплекс бригадалари қулай замонавий коттежлар ҳамда ёрдамчи биноларни аъло сифат билан қуриб битказдилар. Энди улар колхоз марказий ремонт устахоналарини бунёд этишга киришдилар.**

**Сўнгги ойларда районда ана шу бўлинманинг қурувчилари барпо этган кўплаб янги бинолар пайдо бўлди. Карл Маркс номли колхоздаги поликлиника, Охунбобоев номли колхоздаги туғруқхона, Ильич номли колхоздаги мактаб ва болалар боғчаси, «Ленинград» совхозидаги экспериментал ем-хашак омбори шулар жумласидандир.**

**Бултур колонна меҳнаткашлари жами 4 миллион 304 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Бу планда белгиланганидан 200 минг сўм кўпдир. Объектларнинг ҳаммаси юқори баҳоларга топширилди. Коллектив пудрати ана шундай натижаларга эришишга кўмаклашди. Районлараро механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бирлашмада биринчи бўлиб коллектив пудратига ўтдилар. Уларнинг тажрибаси барча бўлинмаларда меҳнатнинг илғор усулларини жорий этишга ёрдам беради.**

**(ЎзТАГ).**

